

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Нигора ПАРМАНОВА

Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университети

Биология ва Экология факультети катта ўқитувчиси.

e-mail: parmonova_n@nuu.uz

Севинчой ХАЙИТАЛИЕВА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Хаёт

фаолияти хавфсизлиги таълим йўналиши 2-курс талабаси

Тиббиёт фанлар доктори, профессор в.б. Расулова М.И. тақризи асосида

АННОТАЦИЯ

Аҳолининг ўсиши, табиий ва техноген офатлар сонининг ортиши, глобал пандемиялар ҳамда тиббий хизматларга бўлган талабнинг ошиши мазкур тизимни ривожлантириши заруратини юзага келтирмоқда. Шу сабабли, мазкур тизимни такомиллаштириши нафақат тиббиёт соҳаси, балки жамият барқарорлиги учун ҳам муҳимдир. Мақолада Фавқулодда тиббий ёрдам тизимининг мавжуд ҳолати ва уни ривожлантириши йўналишлари, жумладан, рақамли технологияларни жорий этиши, кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқий асосларни такомиллаштириши масалалари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *Инновация , Ислоҳотлар , Хавфсизлик , Самарадорлик , Тиббий хизмат , Соғлиқни сақлаш , Тез ёрдам , Фавқулодда ёрдам.*

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СКОРОЙ И НЕОТЛОЖНОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ

АННОТАЦИЯ

Рост населения, увеличение количества природных и техногенных катастроф, глобальные пандемии и увеличение спроса на медицинские услуги создают необходимость развития этой системы. Поэтому совершенствование этой системы важно не только для медицинской сферы, но и для стабильности общества. В статье анализируется современное состояние системы экстренной медицинской помощи и направления ее развития, включая внедрение цифровых технологий, совершенствование системы подготовки кадров, укрепление материально-технической базы, совершенствование законодательной базы.

Ключевые слова: *Инновации, Реформы, Безопасность, Эффективность, Медицинское обслуживание, Здравоохранение, Скорая помощь.*

PROBLEMS OF IMPROVING EMERGENCY AND URGENT MEDICAL CARE

ANNOTATION

Population growth, an increase in the number of natural and man-made disasters, global pandemics and an increase in demand for medical services create the need to develop this system. Therefore, improving this system is important not only for the medical field, but also for the stability of society. The article analyzes the current state of the emergency medical care system and its development directions, including the introduction of digital technologies, improvement of the personnel training system, strengthening of the material and technical base, improvement of the legislative framework.

Key words: *Innovations, Reforms, Safety, Efficiency, Medical care, Health care, Ambulance.*

КИРИШ

Ўзбекистонда фавқулодда тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш заруриятини илмий жиҳатдан асослаш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарали ечимларини таклиф этиш бугунги кунда жуда муҳим, чунки тез тиббий ёрдамнинг сифатли ва ўз вақтида кўрсатилиши кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар тизим етарлича ривожланмаса, шошилиш ҳолатларда тиббий хизматдан кечиккан ҳолда фойдаланиш ҳолатлари кўпайиши мумкин. Шунинг учун бу соҳани такомиллаштириш, муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларнинг ечимларини топиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW).

Ҳар қандай давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимида фавқулодда тиббий ёрдам хизмати аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фавқулодда тиббий ёрдам тизими тиббий хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда ҳолатларда тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш ва эпидемиологик таҳдидларга қарши самарали курашишда муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда тиббий хизматларнинг сифатини ошириш, уларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлаш нафақат тиббиёт соҳаси, балки давлатнинг ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистонда фавқулодда тиббий ёрдам базаси яъни тизими Совет Иттифоқи

даврида шаклланган бўлиб, ўша даврда асосан давлат томонидан бошқарилган марказлашган тизим сифатида фаолият юритган. 1991 йилда мамлакат мустақилликка эришгач, соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширила бошлади.[2] 2017-2021 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш бўйича давлат дастурлари қабул қилиниб, фавқулодда тиббий ёрдам хизматини модернизация қилиш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кунда фавқулодда тиббий ёрдам хизматининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича миллионлаб инсонлар шошилишч тиббий ёрдамга муҳтожликни сезмоқда. Ўзбекистонда ҳам тез тиббий ёрдамга бўлган талаб ошиб бормоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, табиий ва техноген офатлар, шунингдек, шошилишч тиббий ёрдамни талаб қилувчи касалликларнинг кўпайиши фавқулодда тиббий ёрдам тизимини янада ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда.

Бундай ҳолатларда тиббий ёрдамнинг тезкорлиги инсон ҳаётини сақлаб қолишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, оғир автоҳалокатлар, юрак-қон томир касалликлари, инсульт ёки шошилишч жарроҳлик талаб қилинадиган ҳолатларда ҳар бир дақиқа бемор ҳаёти учун муҳимдир. Шу билан бирга, тизимда бир қатор муаммолар мавжуд:

1. Тез ёрдам машиналарининг етишмовчилиги, айниқса, чекка ҳудудларда.
2. Тиббий ходимларнинг малакасини ошириш зарурати.
3. Замонавий тиббий ускуналар ва диагностика воситаларининг камлиги.
4. Тез тиббий ёрдам кўрсатишда транспорт тирбандликлари ва инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги.
5. Ҳукукий асос ва тиббий ёрдам тизимида янги ислохотларни амалга ошириш зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фавқулодда тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ҳукукий ҳужжатлар мавжуд. Хусусан, "Соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги қонун, "Фавқулодда ҳолатлар тўғрисида"ги қонун, [5] шунингдек, 2019 йилда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам тизимини ислох қилиш" дастури ушбу соҳадаги ҳукукий асосларни белгилаб беради. Президент фармонлари ва қарорлари асосида тез тиббий ёрдам хизматига рақамли технологиялар жорий этилмоқда, янги тез ёрдам

машиналари сотиб олинмоқда ва шифокорларнинг малакасини ошириш учун халқаро ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Урбанизация жараёнлари, транспорт воситаларининг кўпайиши, ишлаб чиқаришдаги фаолликнинг ошиши, табиий ва техноген фавқулодда ҳолатлар сонининг ортиб бориши шошилишч тиббий ёрдам тизимининг барқарор ва самарали ишлашини талаб қилади. Шу билан бирга, аҳолининг демографик ўзгаришлари, хусусан, кексалар сонининг ўсиши ва сурункали касалликлар кўпайиши ҳам фавқулодда тиббий ёрдам хизматларига бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY).

Фавқулодда тиббий ёрдам (ФТЁ) **методлари** –бу инсон ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда зудлик билан ёрдам кўрсатадиган турларидир. Бу ёрдамнинг асосий мақсади- инсон ҳаётини сақлаб қолиш, охир асоратларни олдини олиш ва беморни касалхонага етказгунча барқарор ҳолатда ушлаб туришдир. Фавқулодда тиббий ёрдамнинг асосий методлар “Нафас олишни тиклаш, Юрак урушини тиклаш, Қон кетишни тўхтатиш, шок ҳолатини бартараф этиш, Сўзсиз ва ҳушсиз ҳолатда ёрдам бериш, Ёнғин, ток уриш, совуқлашув ва иссиқ уришида”[1] ташкил қилинадиган бирламчи ёрдамлардир. Ўзбекистон Республикасида фавқулодда тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тез тиббий ёрдам хизмати сифатини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, тиббий ходимларнинг малакасини ошириш ва аҳолини тезкор тиббий хизмат билан таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу билан бирга, тизимда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, айрим ҳудудларда тез тиббий ёрдам машиналарининг етишмовчилиги, чақириқларга кечикиб жавоб қайтарилиши, малакали мутахассислар танқислиги ва тиббий хизматларни рақамлаштириш даражасининг пастлиги каби масалалар мавжуд.

Фавқулодда тиббий ёрдамда **инновациялар** муҳим роль ўйнайди. Улар шошилишч тиббий ёрдам сифатини яхшилайдди, тезкорликни оширади ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини кучайтиради. Автоматик дефибриляторлар зарур бу қурилма ток зарбаси бериш ёрдамида юрак урушини тиклайди. Телемедицина ва масофавий мониторинг – бунда шифокор масофадан туриб қон босими, кислород сатурациясини назорат қилиши мумкин. Дрон орқали тиббий воситаларни етказиб бериш, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда жуда самаралидир.”Smart Wearable” – ақлли кийиладиган қурилмалардан фойдаланишда бугунги кунда тиббий кадрлар малакасини ошириш зарур.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS).

Мазкур мақолада Ўзбекистонда фавқулодда тиббий ёрдам тизимининг ҳозирги ҳолати, уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, тизимнинг самарадорлиги бир нечта асосий омилларга, жумладан, ташкилий жиҳатлар, тиббиёт ходимларининг малакаси ва замонавий технологиялардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, фавқулодда тиббий ёрдам тизимининг самарали фаолият юритиши жамият учун жуда муҳим. Чунки тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилиши кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга, касалликлар асоратларини камайтиришга ва умумий тиббий хизмат сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, тизимда ҳал қилиниши керак бўлган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, айрим ҳудудларда тиббий хизмат етарли даражада ташкил этилмаган, мутахассислар танқислиги сезилади ва баъзан тез тиббий ёрдам чақириқларига кечикишлар кузатилади. Деб ҳисоблайманки, бу муаммоларни бартараф этиш учун тиббий хизматни такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш муҳим. Ўйлайманки, тизимда изчил ислохотлар давом этса, фавқулодда тиббий ёрдам хизмати янада самарали ва тезкор бўлишига эришиш мумкин. Шу сабабли, ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур.

1. Фавқулодда тиббий ёрдам тизимининг тезкорлиги ва сифати самарадорлигини баҳолаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланди: Шошинч чақириқларга жавоб бериш вақти шаҳарларда қоникарли бўлса-да, чекка ҳудудларда кечикишлар кузатилмоқда. Масалан, 2023 йилда олиб борилган таҳлилларга кўра, айрим ҳудудларда тез тиббий ёрдам хизмати бемор ҳузурига ўртача 20-25 дақиқада етиб борган, бу эса белгиланган нормативлардан юқори. Тез тиббий ёрдам машиналари етишмовчилиги айрим ҳудудларда хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. 2023 йилда республика бўйича 250 та янги тез тиббий ёрдам машинаси фойдаланишга топширилган, аммо мавжуд эҳтиёжни тўлиқ қопламайди.[3]

2. Фавқулодда тиббий ёрдам тизимида кадрлар масаласи

Тизимнинг самарали ишлаши учун тиббиёт ходимларининг малакаси ва етарли сони муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижаларига кўра:

Малакали мутахассислар етишмовчилиги муаммоси, айниқса, чекка ҳудудларда долзарблигича қолмоқда. Айрим вилоятларда бир тез тиббий ёрдам машинасига фақат битта шифокор ва битта ҳамшира тўғри келмоқда.

Ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 2023 йилда 5000 дан ортиқ тиббиёт ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига жалб қилинган. Бироқ, бу кўрсаткични янада ошириш ва таълим дастурларини такомиллаштириш зарур.

Иш шароити ва меҳнат шароитлари тиббий ходимларнинг иш самарадорлигига таъсир қилувчи муҳим омиллардан биридир. Зўриқиш, стресс ва иш ҳақи масалалари тизимдаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

3. Замонавий технологиялар ва рақамлаштириш жараёни.

Фавқулодда тиббий ёрдам тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор инновацион ёндашувлар жорий этилган:

Чақириқларни электрон бошқариш тизими орқали чақириқларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тезлашган. Бу, айниқса, катта шаҳарларда чақириқларга жавоб бериш вақтини қисқартиришга хизмат қилган.

Масофавий тиббий маслаҳат бериш тизими чекка ҳудудларда амалиётга жорий этилган. Бу беморларга тиббий маслаҳатларни тезкор олиш имкониятини яратган.

Фавқулодда тиббий ёрдам машиналарини GPS орқали кузатиш тизими жорий этилгани туфайли уларнинг ҳаракатланиши назорат қилинмоқда.

4. Инфратузилма ва транспорт логистикаси

Тизим самарадорлигига инфратузилма ва транспорт масалалари катта таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижалари қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатди:

Йўлларнинг сифати айрим чекка ҳудудларда қониқарли эмаслиги сабабли тез тиббий ёрдам машиналарининг бемор ҳузурига ўз вақтида етиб бориши қийинлашмоқда.

Транспорт тирбандликлари катта шаҳарларда тез тиббий ёрдам машиналарининг ҳаракатини секинлаштирмоқда. Махсус йўлакларни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинмоқда. Янги тез тиббий ёрдам машиналари сотиб олиш ишлари давом этмоқда, 2023 йилда республика бўйича 250 та янги машина фойдаланишга топширилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS).

Фавқулодда тиббий ёрдам-инсон ҳаётини сақлаб қолишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган соҳадир. Замонавий технологиялар ва инновациялар бу соҳани тубдан ўзгартиришга хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳам Фавқулодда вазиятларда ва тиббий ёрдамда инновацияларни жорий этиш муҳим қадам ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишларини кучайтириш замонавий техника ва ИТ

технологияларини амалиётга жалб этиш юқори самара беради. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Қўшимча тез тиббий ёрдам машиналарини сотиб олиш ва замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш.

2. Чекка ҳудудларда шошилиш тиббий ёрдам пунктларини ташкил этиш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш.

3. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш дастурларини кенгайтириш ва малака ошириш курсларини ошириш.

4. Тез тиббий ёрдам хизматини рақамлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва автоматлаштиришни кучайтириш.

5. Йўл инфратузилмасини яхшилаш ва тез ёрдам машиналари учун махсус йўлакларни ажратиш.

6. Аҳолига фавқулодда тиббий ёрдам тизимидан тўғри фойдаланиш бўйича ахборот-таълим ишларини кучайтириш.

АДАБИЁТЛАР

1. Аллаёров Й., Тожибоев Й. Фавқулодда вазиятларда тез тиббий ёрдам асослари. Дарслик. Т.: Илм-зиё. 2007 й. 200-б.

2. Сайфиддин Фахриддин ўғли Валеология асослари. Барча бакалаврият таълим йўналишлари учун дарслик. 2007. ТМИ. 207 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тез тиббий ёрдам хизмати учун 1269 та ихтисослаштирилган автотранспорт харид қилинди" мавзусидаги маълумоти. <https://lex.uz/acts/3524650>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги "Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-283-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6076135>

5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган расмий сайт. <https://lex.uz>

6. "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун – <https://lex.uz>